

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!



М. Мирсодиқов туширган сурат

Улкамизда баҳор нафаси уфурмоқда. Наврўзи айём кириб келмоқда.

Наврўз — Шарқда янги йил байрамидир. Табиатнинг уйғониши, яшариши, ҳаётнинг янгиланиши баҳорий тенгқунлик — 21 мартга тугри келади.

У — янги қадимий, сеvimли, халқчил ва миллий байрам бўлиб, муқаддас ва муборак Исроmdан анча илгарироқ, тахминан 5 минг йилдан бери нишонланиб келинади. У энг эзгу, ёруғ, энг олийжаноб ҳис-туйғулар ва ният-интилишларга пайваста бўлиб дунёга келган.

Тарихий манбаларга қараганда қадимги «Авесто»да, Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг»ида, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луготит турк»ида, Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама»сида, Наршахийнинг «Бухоро тақвими»да, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги ха-

лқлардан қолган ёдгорликлар», «Тушунтириш», «Китоб-ат Тавхим» асарларида Наврўзга оид талайгина шарҳлар, афсона ва ривоятлар берилган.

Наврўз — меҳру-мурувват, ҳайру-саҳоват, ҳиммат, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, саҳийлик, умид ва соғинч ҳислари билан йўғрилган.

Наврўзда атроф-борлиқ тозаланади, гина-қудуратлар унутилади, узаро меҳмондорчилик, ҳайру-эҳсон, савобли ишлар қилинади, яхши ниятлар билан дарахт экиб, юртимизни боғу-роққа айлантириб, уни обод қилишга ҳаракат қилинади.

Энг қувончлиси шуки, куп миллатли давлатимизнинг ҳар бир фуқароси Наврўзни сеvimли айём деб билади. Зероки, узаро тотувлик ва осойишталик барқарор бўлган юртининг байрамлари ҳам файзли бўлади.

Бу байрамни эрта тонгда хушбўй ҳиди ҳавони тутиб кетгуви, сумала-

гу ҳалим, гужаларсиз, исмалоқ, йунгичқа, шўра, ялпиз, отқулоқ, жағжағ, бедалардан тайёрланган кук сомса, чучвара, чалпагу патирилсиз тасаввур этиш қийин. Баҳорий таомларни «Омонлик — сомонлик, ҳеч қурмайлик ёмонлик, янаги йил, янаги ойларга ҳам уйнаб кулиб етайлик», — деб ноз-неъмат тула қут-баракали дастурхонимизга қўямиз.

Сумалак — орзиқиб қутилган Наврўздан дарак. Қуни-қушни ва ёш яланглар йиғилиб ўчоқ атрофида давра қуришади. Сумалак пиширилётган хонадондан тонггача ҳазил-мutoйиба, қувноқ кулгу ва ашула, дилрабо рақслар аримайди. Сумалак тайёр бўлганда қуни-қушниларга, маҳалла аҳлига улашилади.

Сочларига толбаргаддан соч попук таққан қизалоқлар қўлларига баҳорий гуллар — бойчечак, гунафша, лола, чучмомалардан гулдасталар ясаб азиз бувижонларимизга, меҳрибон онажонларимизга тақдим

этиб, хушқайфият улашадилар.

Баҳорнинг гир-гир шабадасида варрак, учираётган болаларнинг қувончи оламга сиғмайди.

Дарёларимизда тўлиб оқётган зилло сувлар учун, еримизда бўй курсатаётган майсалар учун, бегубор мусаффо осмонимиз учун, осойишта, тинч ҳаётимиз учун, она тупроғимизнинг саҳоватию, бобо Қўёшимизнинг ҳаётбахш нури учун яратган Аллоҳга беадад шукрлар айтамиз.

Мустақил юртимизнинг навбатдаги янги баҳори бошланмоқда. Янги кун, янги йил, баҳорий айём, Наврўзи олам ҳаммамизга муборак бўлсин! Сизларга тинчлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, ҳар бир оилага қувонч-шодлик, хонадонга тукун-сочинлик, дастурхонимизга файзу-баракот, ишларингизга ривож тилаймиз.

Маҳмуда ҚОСИМОВА,
шифскор

Шу куннинг нафаси

«ТОШКЕНТ ЭСА НОН
ЁПАДИ ТУНЛАР БЕДОР»...

Тонгда туриб деразаларни очсам димоғим-га нон ҳиди урилади. Тун буйи нонвойлар нон ёпишади бу шаҳарда.

Тошкент — нон шаҳри. Саҳар ишга кетаётиб гузал табассумларга дуч келаман. Тошкент — самимият, меҳр-муҳаббат шаҳри. Бирдан қулоғимга қалдирғочларнинг вижирлашига ўхшаш эрка товушлар эшитилади. Машиналар шовқини тинади. Катта йулдан бири-бирини этагидан ушлаб богча болалари ута бошлайди. Ҳамма уларга айрича ҳурмат энтикиш билан қараб қолади. Ҳамма уларга йул беради. Тошкент — болажон шаҳар.

Сизлардан айланай, дейман гудакларга боқиб. Хотирамдан 16 февраль ўтади. Бу кунга келиб қора тутун теккан иморатлар таъмирланмоқда. Девоглар янада мустаҳкам бўлиб қад ростламоқда. Деразаларга янги ойналар қўйилди. Аммо, мудҳиш ўша кун манфурлар томонидан синдирилган дераза ойналарининг синиклари хотирамизга санчиблиб турибди. У ориқ бизни хушёрликка чорлайди. У изтироб бизни нонни босиб ўтиб базм қилувчи нонкурлар борлигидан, гудакларни табас-сумига чанг солувчи қузгунлар борлигидан, алла айтаётган аёл томон, алла эшитиб ухлаётган чақалоқ томон ўрмаловчи қора илонлар борлигидан огоҳлантириб туради. Халқимизнинг ардоқли шоири, муҳтарам устоз Абдулла Орипов ёзганларидек, афсус, ўша илонлар қўйнимиздан чиқди.

Аллоҳнинг ердаги сояси юртбошимиз омон қолди. Нонвойлар тандиридан иссиқ нонларни узмоқда.

Тошкент эса нон ёпади тунлар бедор,
Ёмғирларда тандирга паноҳ бўл, дил.
Бунда ҳар бир мажнунтолни тағларида,
Миртемирлар ухлаб ётар, огоҳ бўл, дил.

Тошкент ҳамон нон ёпади тунлар бедор,
Кўзи тўқим, нон ҳидидан тўйган шахрим.
Лов-лов ёнган оловданмас, қаловданмас,
Хиёнатдан енгичаси куйган шахрим.

Кимга Париж, кимга Москов илҳом берад,
Мен Тошкентни танҳо-ю, бир тараф билдим.
Қодирю, Усмон ўтган кўчаларин,
Сочим билан супуришни шараф билдим.

Мен Қалдирғоч, Алпомишлар руҳларини,
Армонларда, аламларда дудлатмасман.
Нон шахрининг нон тугилган дастурхонин,
Ҳар қандайин дайди итга ҳидлатмасман.

Қутлуг сенга улуг ҳайрат, улуг ҳасрат,
Ойбек кўз ёш тўқкан жойлар жойнамоқдир.
Нон увоғи тушган кентга бир, иккimas,
Босмайин деб, минглаб қалъа курсанг оздир.

Туз берганга қирқ кун салом, билмаса ким,
Тўзини еб тузлигига ким туপুরар.
Тошкент уни кечирмайди огоҳ бўлигим,
Нон шахрининг азизлиги нондек урар.

ЗУЛФИЯ МҲМИНОВА



Ўлкамизда ке-
зар Наврўзи
олам,
Баҳорга қўши-
либ кетдик дуго-
нам.

Сочимизга бо-
дом гулидан та-
қиб,
Наврўз байра-
мида куйлайлик
биз ҳам.



«ОИЛА ЙИЛИНИНГ» ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ»

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Респуб-лика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкор-лигида ташкил этилган «Оила йилининг «энг фаол аёли» Республика курик танлови якунлан-ди. Бунгача вилоят, шаҳар ва туманлар миқё-сида ўтказилган ушбу тадбирдан мақсад хо-тин-қизларимизнинг жамият ва давлат ишла-ридаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуку-ий саводхонлигини юксалтириш ва маданий,

маънавий соҳадаги фаолиятини ривожланти-ришдан иборат эди.

Республика курик танловининг якунловчи бос-қичи иштирокчилари ана шу борада маълум натижаларга эришилганлигини қайд этиб ўтишди.

Биз ушбу курик танлов солиқларини чин қал-бимиздан табриклаб, республикамиздаги бар-ча хотин-қизларни «Аёллар» йилининг «энг фаол аёли» курик танловида иштирок этишга даъват этамиз.

1-ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАН ФАОЛ АЁЛЛАР

I. Давлат ташкилотларидаги фаол аёллар йўналиши бўйича:

Абдувалиева Комилахон — Наманган вилояти суд раиси уринбосари, ҳуқуқшунос.

II. Жамоат ташкилотларидаги фаол аёллар йўналиши бўйича:

Сайфутдинова Мاستурахон — Фарғона вилояти Кува тумани, Ш. Рашидов номи жамоа ҳужалиги бошқаруви раиси.

III. Шифокорлик соҳасидаги фаол аёл:

Бадлабаева Фотима — Қашқадарё вилояти Шаҳ-рисабз шаҳар касалхонасининг бош шифокори.

IV. Илм-фан соҳасидаги фаолият кўрсатган аёллар йўналиши бўйича:

Гофурова Лазизахон — Тошкент вилояти Тошкент Давлат Аграр университети агрохимё кафедре му-дир, биология фанлари доктори, профессор.

V. Республикадаги адаби ва шоира аёл-лар йўналиши бўйича:

Бобомуродова Хосият — Самарқанд вилояти Ёзувчилар уюмчаси вилоят бўлими бошлиғи.

VI. Журналистика соҳасидаги аёллар йўналиши бўйича:

Асқарова Муаттар — Тошкент шаҳар, Ўзбе-кистон телерадио компанияси «Ахборот» бош тах-ририят тезкор гуруҳи раҳбари.

VII. Таълим муассасаларидаги фаол аёллар йўналиши бўйича:

Маҳмудова Анор — Хоразм вилояти, Гурлан ту-мани Ибн Сино номи 5-мактаб директори.

VIII. Санъат соҳасидаги фаол аёллар йўналиши бўйича:

Човарова Мунаввархон — Андижон вилояти, Ба-лиқчи туман маданият бўлими ходими, 2-гимназия мусика ўқитувчиси.

IX. Хунармандчилик соҳасининг фаол аёли:

Бозорова Матлуба — Бухоро вилояти, Бухоро хунармандчилигини ривожлантириш марказининг раиси.

X. Тадбиркор аёллар йўналиши бўйича фаол аёл:

Хаитова Зумрад — Сурхондарё вилояти, Қумқур-гон тумани «Қумқурғонсавдо» ҳиссасдорлик жамия-ти раисаси, вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмасининг раисаси.

Миллий матбуот мар-казида — Давлат солиқ қўмитаси масъул ходим-лари иштирокида Матбуот конференцияси бўлиб ўт-ди.

Журналистлар узлари-ни қизиқтирган саволла-рига жавоб олдилар.

— Ўтган йили давлат

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

бюджетига солиқ туловлари-ни тушириш 101,5 фоизга бажарилди. Ўтказилган тек-ширувлардан 63,9 фоизда солиқ туловчилар томони-дан қонун бузарликка йул

қўйилганлиги аниқланди, — деди Республика Дав-лат солиқ қўмитаси раи-сининг биринчи уринбоса-ри Б. Хужаев.

Конференцияда бугунги

кунда даромаддан олина-диган солиқ мукаммал эмаслиги, уни такомил-лаштириш зарурлиги қайд этилди.

Д. ДАВЛАТОВА

ЯХШИ КУНЛАРИМИЗ
КЎПАЙСИН...

Мана, ҳозир юртимизда баҳор шабада-лари эсаппти. Хонадонларимиз оналар билан курак, оталар билан баракали булган каби, баҳор ҳам уз байрамлари билан гузал. У илк кунлариданоқ халқимизга ри-зқ-насиба улашади. Айни кунларда қишло-ғимиз четидаги ташландиқ бир ерни қайта ишлаб ҳар хил мева-ли дарахтлар ўтказдик. Маҳалламиз аёллари сумалак тайёрлашга февраль ойининг охириларидан киришиша-ди. Биз эркаклар ҳам байрам баҳона бир пиёла чой устида йиғилишиб, келажақда амалга оширадиган ишларимиз режасини тузамиз. Юртимизнинг ана шундай барака-ли, яхши кунлари кўпаяверсин.

Саманжон Абдуллаев,
Фарғона вилояти, Бувайда тумани
«Чўтақа» маҳалласи оқсоқоли

БАРЧА ОНАЛАР СОҒ-ОМОН БЎЛИШСИН

Онажоним Маҳбуба ая Мустафоева 76 ёшдалар. Қўхна ва қадим Самарқандда яшайдилар. Дадажоним билан биргаликда 4 қиз, 4 ўғилни оқ ювиб оқ тараб, ўқимишли, тарбияли қилиб воёга етказ-дилар, 22 набираларининг севимли бувижониси-га айландилар.

«Жаннат оналар оёғи остидадур». Мен онажонимнинг юрар йулларига, ҳар битта босган қада-мига дунёдаги бор гулларни тукишга тайёрман. Жаҳоннинг дуру-ғавҳарини онажонимнинг бизни деб оқарган сочининг бир толасига-да алишмас-ман.

Онажон, мен Сизни жуда соғиндим,
Бағринизга бир дам бош қўйгим келди.

Дунё ғамларидан жуда оғриндим,
Сизни сўйгим келди, бир сўйгим келди.

Онажон, мен Сизни жуда соғиндим,
Сизни — фариштамни бир сўйгим келди.
Дунё ғамларини қафтинда эзиб,
Бағринизга бир дам бош қўйгим келди...

Мен Наврўз айёми билан онажонимни ва бутун Ўзбекистон аёлларини, барча оналарни табрик-лайман. 1999 — Аёллар йили барча хотин-қизлар учун бахтли йил бўлсин.

Хосият МУСТАФОЕВА,
Жиззах Политехника Олийгоҳи катта
ўқитувчиси

НАВРЎЗ ТАДБИРЛАРИ

лигининг ҳамда туман хо-тин қизлар қўмитаси, Ну-роний жамғармасининг қимматбаҳо совгалари топширилди.

Наврўз байрами ара-фасида шу туманда яна бир тадбир ўтказилди. 100 нафар ногирон

аёлларга байрам совга-лари топширилди. Улар учун хайрия концертлари намойиш этилди. Ушбу тадбирни ўтказилишида Меҳр-шафқат жамғармаси ташаббус қўрғатди.

М. БҮРОНОВА



СУФФ МАЛАГИМ, СУ-МАЛАК...

Наврўз байрамига тайёргарлик кетаётган кунларнинг бирида кўп қаватли бинолар орасига жойлашган «Зилола» маҳалласида ҳам қозон оқилди. Сумалакни хосияти шундаки, у ўз атрофида етти маҳалла аёлларининг бошларини қовуштиради. Даврани галма-гал айланб чиқаётган қалғир эса аёллар қалбидаги янги орзу умидларга шерик бўлади. Қошиқ кутариб атрофда юрган болаларнинг чўғури дунени шодликка уради.

Шаҳарлик келинлар сумалак ялашни яхши қўришади-ю, аммо уни қандай тайёрлашни кўпам билишмайди. Яхшиям самарқандлик қўшним Ойша опани қайнонаси келган экан, жонимизга оро кирди. Ёнг шимариб ишга киришган момо ҳамма хотинларни ишлатди. Келисонни номигагина айлантириб турган аёлларни қўйил қолдириб, бир қозон бугдойни бир қўлаб янчиб ташлади.

Сумалакни тилини биз ёшлар қайдан билибмиз? Агар уни қовлаётиб қўшиқ айтиб турилса, сумалак «бошқача ширин» бўлар экан. Кампир тушмағури, зехни анча уткир, хотираси ҳам тиниқчина экан, қалғирни айлантира-айлантира лапар бошлади:

**Бугдойзорни оралаб,
Сизни тоғдим жон бегим.
Бу даргоҳга кимлар келиб,
Кимлар кетар жон бегим.
Бу ерларнинг йўли ёмон
тойманг деб,
Фақат сизни олиб қолдим
хой бегим.**

— Яшанг момо! Бор экансиз-у! Барибир узимизни «эскилар» яхши-да. Қўшиқ айтгандаям тўғри юракка бориб етганидан айтиди, — дея зақваланиб кетди Озода келин. Бу гаплардан Доно момо ҳам куч олдим, яна лапарга шўнғиди:

**Қийингиз қирғоғига ўйиб ёздим,
Юрагимни ўртасига қўйиб ёздим,
Фақат сизни, фақат сизни сўйиб ёздим,
Маҳаббатни ҳижрониди қолдим бегим,
Қийингизни сандиқчига қолдим бегим.**

— Хой момо! Айтсангиз шўҳроғидан айтинг. Бу нола-ларингиздан маҳаббатдан қуйганимиз дейман-а, юрагимга ут экманг! Келинлар, узимизни «ғийбат» гаплардан гап-шайлик, — дейди Салтанат опани шўҳлиги тўтиб.

Шу пайт эдингизна даврага келиб қўшилган Турсун аяни хотинлар тўртқилиб бошлашди.

— Хей Турсун ая, тоқайгача бу Алпомишларингизга хизмат қиласиз? Бошини қовуштириб қуйсангиз, катакка тушган тоғудай термулишиб ўтиришадди.

— Ўй, Маҳуббахон-эй, ахир ўғлим уйланмайман, деса нима қилай?

— Шу баҳордан қолманг, овсинжон. Хужайиним бир гап топиб келди. Японияда техника ривожланиб кетганиги туфайли барча аёллар ўғил туяпти экан. Темирни қўчилигини қараг-а!.. Ҳар учта йигитга битта қиз тўғри келаяпти экан. Йигитлар «қариб қолмасин», — деб мутахассислар уёғдан, бугёдан қиз оқибди уйлантиришни режалаштиришди.

— Кўйингиз-э, кеннойи, худди Японга бориб келгандай гапирасиз-а? Ҳанифани аччиғи келди. Қайси аҳмоқ битта эрни деб Японияга кетиб қолади?

Галнинг «қаймоғи» энди бошланган ҳам эди, Арофат келин кўк сомса кутариб келиб даврага қўшилди.

— Сомсаниям жуда боппасиз. Мен сизни баланд истолда ўтирадиган «поракурор» десам, тулпа-тузук пазанда экансиз, — дея маҳалланинг «виждони» Исмат хола гап олди.

— Арофатхон, бу «Оила кодекси»-ни, ҳукуматимиз запл уйлаб топибди-да. Илгари келини «қонунчи» деса ҳамма қочарди. Ҳозир қонунни билмасангиз, йўл топиб юролмайсиз.

— Уша кодексда алимент ҳақида нималар ёзилган? — қизиқиб суради Башорат опа.

— Томонларнинг келишувига биноан агар фарзанд ота қарамоғида қолган ва у моддий ёрдамга муҳтож бўлса, унда эр хотинидан алимент ундириш ҳуқуқига эга.

— Жуда адолатли қонун. Баъзи аёллар ҳам энди қадамларини уйлаброк босишади. — Бошқалар ҳам Башоратни гапини маъқуллашди.

Хангома билан бўлиб тонг отганини сезмай қўлибмиз. Ана сумалакниям юзи анча қизариб қолди.

Доно момо барчага ўз насибасини улашди. «Борингга шўҳр», — дея ялаб қўрди. Бирам ширин буптики!.. Сумалакка қўшилмаганлар армонда қоладиган бўлди-да.

— Қўллариди чўп сўқилган қошиқларини кутариб қозон атрофида айланган болаларга боқиб кўнглим гурурга тўлди. Хеч кимга билдирмай: «Юртимнинг ана шундай байрамли кунларига, сумалакларига куз тегмасин, — дея «суф-суфлаб» қўйдим.

Нигора Йўлдошева

НАВРЎЗДЕК НАВҚИРОН, СУЮКЛИ БЎЛИНГ

Халқимиз узининг қадим анъанавий байрамларини эъозлайди, муқаддас ва азиз билади. Утимишмиз қадар кўҳна ва табарруқ Наврўз ҳам ана шундай суюкли, ардоқли. Одамларни энтиктириб куттирадиган, ўзбекнинг қониға, жонига сингиб кетган байрам бу. Наврўз келганида самодани булутлар ҳам мудраб ётган ерни ёмғир ёғдириб уйғотади-ю, деҳқоннинг қўлига кетмонини тутқазади, даласига етаклайди.

Наврўзда кўп нарса эсланади, хотирланади. У менга ҳам болалигимни, энди сира қайтмайдиган дамларимни эслатади... Оппоқ бўлиб гуллаб ётган бодомзорни, бинафша гулларини эслатади. Кейин эса... Тугилиб ўсган ҳовли-мизни, тандир ёнида туриб ялпиз сомса ёпаётган онамни, шўҳ болақайларнинг оқшом далада ёққан гулханларини ёдимга туширади. Уларни соғиниб эслаймаман...

Мустақиллигимизнинг саккизинчи баҳори — ушбу йил-



лимиз халқимиз учун янада узгача бўлади. Ажойиб ва меҳнаткаш ўзбек халқининг узининг нималарга қодир эканлигини жаҳонга танитадиган даврлар келди. Илму-донишда, санъатда, чеварликда, мардликда мана-ман деганлар билан беллашадиган ўзбек фарзандлари етишиб чиқаяпти. Улар миллатимизнинг фаҳри

ТИЛАК

бўладилар, албатта.

Ушбу йилимизнинг муҳтарам Президентимиз томонидан Аёллар йили деб аталанишида ҳам бир ҳикмат бор. Зеро, оила, аёл бор эканки ҳаёт бор, ҳаёт давом этаверади. Йиллар оша наслимиз оналардан бошланиб оналар билан давом этаверади. Дунёда она билан боғланмаган нарсанинг ўзи йўқ, табиатнинг она билан қўшиб айтилиши, Ватанини она билан теглаштиришда ҳам чўқур маъно бор-да.

Бир сўз билан айтганда аёл бўлмаган хонадонда фойз ҳам, нур ҳам бўлмайди. Аёллар йилидагина эмас, балки доимо улар соғ-омон бўлишин.

Наврўзнинг шўҳли, саодатли, тароватли айёми арафасида мен «Оила ва жамият» газетаси орқали юртимиздаги барча аёлларни, азиз юртдошларимизни муборак Наврўз айёми билан табриклайман.

Наврўздек навқирон, суюкли бўлинг!

Мухаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Баҳор илҳомлари

БУГУН ЧЎЛГАНАДИ ДИЛЛАР САБОГА

Кўчат экмадингни, гулзор

қилдингни?

Ғафлат уйқусидан наҳор

турдингни?

Фарзанд, ота-онанг кўнглин

сўрдингни?

Наврўз келганида!

Момом ялла айтар

Наврўз келганида!

қозон-дошларга,

Бугун чўлганаси диллар сабога,
Кўнглилар сайр этар юксак мавога.

Кел сен, ҳам қўшиқин бизнинг навога,
Наврўз келганида!

Узоқбой МИСЛИБОВЕВ,
Самарқанд вилояти, Пайриқ тумани.
Фаҳрийлар кенгаши «Нуроний»
жамғармаси раиси

ҲАР БАҲОР ЭСЛАЙМАН

Ушанда ҳам баҳор эди. Қишлоғимизни ураб турган тоғлару адирлар ям-яшил, олмалар эса оппоқ бўлиб гуллаганди. Опамнинг тўйи арафаси. Бир кун мактабдан келсам уйимизда қариндошларимиз кўп, аммаларим келган. Шу ҳафтага белгиланган тўйнинг саруполарини маслаҳатлашяётган эканлар. Бу нарсалар бизга жуда ҳам қизиқ бўлгани боис сумкамни айвонга ташлаб солиб аммамнинг ёнларига сўқилиб олгандим. Қишлоқда ҳаммага сузи утадиган қайвони аммам дилкаш аёл бўлса-да сузини икки қилганларни унча хуш қўрмасди.

Аммам онагинамнинг йиллаб йўққан саруполари тугилган буччаларини оча бошлади. Ял-ял товланяётган асл матоларни ёйиб, ушлаб кура бошлади. Улардан кўнгли тўлиб, онамдан мамнун бўлди. Шу пайт тугунинг энг остида қолган нарса аммамнинг диққатини тортиди. «Ҳанифа, бу нима эди?» — дея очиб кура бошлади. Кўпчиллики ажаблантирган нарсалар ярқироқ махси-қовуш билан оппоқ рўмол экан. Келиноним бурнини жийрганича: «Вой, ойижон, нима, сепга шуларни ҳам қўшмоқчимисиз?» — деди. Қўшнимиз Асал янча: — «Улар энди, қудалар қулишиб юрмасин, опташланг-ей,

бу ёққа». — деди энсаси қотганини яширмасдан. Бечора онам қаловланиб қолди. Опамнинг ҳам қўзларида ёш қўринди.

Аммам эса пинагини бузмасдан, опамга бир қараб олди: — «Ҳой, Манзура, онанг тўғри қилибди. Келажакни уйлаганда, айланай, эрта тўй бор, маърақа бор. Ахир бир умр бигиз пошнали туфли кийиб, оқ қўйлақда ҳилмиллаб юрмайсан-ку! Биздек қайнана-ю, буви бўлганингда рўмолни елвагай қилиб, амиркон махси-қовушни гарчиллатиб-б қиясан-да, болам», — деди. Бирок опам тўй кунини йўлаб барибир уша нарсаларни олиб ташлаттирди. Онам индамайгина уларни сандиққа солиб қўйди. Тўй ҳам ўтди. Орадан йиллар ўтиб бу воқеани унутди. Уша опам беш фарзанднинг онаси бўлиб, сочларига қировлар қўнди. Келинлик, қуваллик ҳам бўлди. Мана шундай баҳор кунларидан бирида тоғорада ялпиз сомса кутариб олган опам отамни қўрғани келди. Кейин ётиб қолди. Шу кеч касали оғирлашган отам эрталаб оламдан ўтди. Шунда ҳаммамиз шошилиб қолдик. Айниқса опам... Аллақачон ҳовлимизга қўшниллар кирган, қариндошлар хабар топиб келишса бошлаганди. Удумимизга кура ота-онанинг қазоси етганда қизлар махси-қовуш кийиб

бошларига оқ рўмол ташлайдилар. Шунда онам: «Манзура, анави сандиқни очгин, болам», — деди. Сандиқни очишган, онам сандиқнинг ёнига келиб, тимириқлаб алланарсаларни излай бошлади. Кейин... Қўллариди тугунчани опамга узатиб астагина «Бу сеники, болам», — деди. Опам тугунчани титроқ қўллари билан очаркан, онамга қараб қолди. Қўзларидан маржондек ёшлар қўюла бошлади. Шўрликкина онамиз уша махси-қовушнинг ичида бир парча қўғозга «Манзуранинг сарпосидан қолган сепи», — деб ёзиб қўйган эканлар.

Кейинчалик опам «Онажоним-а, бизнинг шундай ҳолга тушиб, шошиб қолишимизни аввалдан сезар эканлар-да, мен булсам ушанда хафа бўлибман-а», — деди армон билан. Биз опамни нима деб юпатишни билмасак-да, онамизнинг саранжомлигига тан бергандик. Йиллар ўтса-да, онам уша буюмларни барибир опам учун асрайверибди.

Ҳар баҳор оламини гуллар беаганида, олмалар гуллаганида шу воқеаларни эслайвераман. Баҳор осмонда баъзан пайдо бўлиб қоладиган оқ булут парчалари эса онамнинг сандиқидан чиққан оппоқ рўмолга айланиб нигоҳини узиға тортаверади, тортаверади...

Басира САЙИД АЛИ



СЕРФАРЗАНД БИР АЁЛНИНГ ХИКОЯСИ: — Эрим ногирон одам. Ногиронлиги ҳам майли, бас деганча кўр-қоқ одам. Уйимиз бир эшикдан кириладиган туртта хонадан иборат. Биз, яъни мен ва болаларим биринчи хонада яшаймиз, шу ерда ётиб турамыз. Эрим эса охириги, туртинчи хонада яшайди, уялмайди, ётиб туради. Кунининг иккинчи ярмида ўзини, яъники нафсини кул ёмоқ-иммоқдан тийди. Чунки кечанинг бир маҳалида ташкарига чиқиб келиш яраги доё бермайди. Қоронги тушгандан сўнг мабодо бирон қиш дарвоза тақиллатиб келса, у кишининг пешовоз чиққанини ҳали кўрганимиз йўқ. Ё мен, ё болаларидан бирови чиқамиз. Рўзгор, тирикчилик, яшаш қандай кечадими, деб сўрайсизми? Томорқада ишлаймиз, эримга ҳукумат ногиронлиги учун нафақа беради. Бундан ташқари беш-ун уя асаларимиз ҳам бор. Шундан ҳам наф қўрамыз. Иссиқ пайтлар бошлангандан сўнг эрим асалари уяларини олиб далада-шўтга кетади. Уйда кўриб, дала-дашда кўрмаганига ҳали-ҳали ҳайрон қоламан. Мен яна бир нарсага туриб-туриб ҳайрон-лол бўламан. Шу кўрқоқ, чўмчўқ «пирр» эт-са, юраги «ширр» этадиган эрим асалариларини олиб далага кетган ойларида уйда биз кўриб яшаймиз. Тун қоронғусида биров дарвозани тақиллатса, кўрқа-кўрқа икков-учов бўлиб ташқарига юзланамиз. Эй қаранг, — Худойимнинг ишини кўринг: шу ногирон, бунинг устига кўрқоқ, энг ичкарида, туртинчи хонада токи тонг оқаргунча бирон марта ҳам ташқарига чиқмайдиган эрим, болаларимнинг отаси барчамиз учун бир баланд кўрган экан!

БИР ҲИКОЯТИНИНГ ХИКОЯСИ: — Узимга на фойда, на зарари тегадиган бир одатим бор: уйкуда хуррак отаман. Менинг бу одатимдан беҳабар бўлган сарфдорларим учун ҳаво юмшоқ, очик пайтлар бўлса-ку, яхши, ташқарига чиқиб ором топилади. Лекин қорли-ёмғирли кечалар бўлса, шериқларим улоқдан бери бўлишади. Гоҳида тош уйкуда ётганимда чакриб, туртиб уйғотишади ва танбех ҳам беришади: «Дурустроқ етинг биродар, хуррагининг одамни безор қилди-ку!» Етган ҳолатини узгартирмаман, бошқа ёнга ағдариламан. Уйку эса мендан яна ихтиёрни олади. Яна хонани ларзага келтириб хуррак ота бошлайман. Эшитганларнинг айтишларига қараганда, мени олдиндан билмаганлар хуррак пайтида мабодо жон таслим қилмаётганимкин, деган таҳликага ҳам боришаркан. Қизиқ томони шундаки, беш-турт кунлик сафарга кетсам ёки дам олишда бўлсам, кичик ўғилларимга анча қийин бўлади. Улар мен билан ётиб урганишган. Аёлим шундай дейди: «Сиз кетгандан бери ўғилларингиз бирон кеча ҳам яхши ухлагани йўқ. Кечалари салгина ухлаганда, жойларидан туришади. Ётиглаб, тонг отишга ҳали бор, десам «Нега ҳамма томон жимжит, ҳеч бир товуш йўқлигидан кўрқаяпмиз» дейишади. Сизнинг борлигингиз, борлигингиздаги бўлбозернинг товушидек хуррак отишларингиз бу болаларга бир кўрган-таянч экан...»

Кўзгу синиқлари

ОТАЛАР БАЛАНД-БАЛАНД ҚЎРҒОНЛАРИМИЗ



БИР КАСЕДОШИМИЗНИНГ ХИКОЯСИ: * Яқинда совға-салом топшириш учун Бойсундаги Меҳрибонлик уйига бордик. Биласизки, бу ерда етим болалар тарбияланишади. Мен ўзини ота, ана деб ҳисоблайдиган ҳар бир эркакнинг, аёلнинг ана шу болалар уйида вақти-вақти билан бўлиб туришларини тавсия этган бўлардим. Инсоннинг воғга етганда қим қандай одам бўлиши албатта, унинг болалиги билан боғлиқ. Биласизми, яна нима, катталарни алдаш мумкин, лекин болаларни алдаб бўлмайди. Катталар елгонга қуниши мумкин, лекин болалар кунмайдилар. Катталарнинг кўз ёшларига чидаш мумкин, лекин болаларнинг, беғубор, беғуноҳ болаларнинг кўз ёшларига чидамоқ муюкул. Бойсун сафари менга ана шу ҳақиқатни яна бир қарра эслатди. Мен яна шунини билдимки, бу оламда онасизлик куп оғир дард, лекин отасизлик балки ундан ҳам оқирроқ дард, битмас жараҳат экан. Бойсундаги етим, норасида болаларнинг кузларидан мен шу ҳақиқатни англадим. Англадим, борган бора эркаклар англашди. Мен йиғладим, йиғламоқдан ўзини тия олмадим. Авлар-ку, кунгли бўш бўлади, сал нарсадан ҳам аламини куз ёшларидан олади. Лекин зур келгандан кейин эркаклар ҳам йиғларкан. Бойсундаги етимхона болалари бизни йиғлатдилар. Ана шунда мен ўзимча уйладим: арзимас нарсалар учун болаларини «Бепадар! Отанг олиб кетсин илойим! Отанг эркакми, отанг бир улик махлуқ! Бундай отанг бўлганидан қура отасиз бўлганларнинг минг марта яхшироқ!» каби қарғишлар билан ғазаб қиладиган, аникроғи, шунга урганиб қолган аёлларнинг тилини қирқиб ташлаган маъқул! Келинг, бундай аёлларнинг тилини қирқиб ташлаб, сунгра қонун олдида жавобгар бўлиб ётмайлик. Худодан сўрайликки, бундай тили бепосна аёлларнинг тиллари кунларнинг бирини, болаларини ва эртини қарғайдиган пайтда шартта узилиб тушсин! Мен нега бу гапларни айтаяпман, биродар! Шунинг учунки, ҳар қандай бола учун ҳам оталар бир баланд қоядир, бир баланд кўргондир. Мен Бойсундаги етимхонада бўлиб шундай қарор, фикрга келдимки, болаларнинг ҳаётини майиб-маж-руҳ бўлса ҳам, гаранг, соқов, нимжон бўлса ҳам оталари бўлсин! Токи бу дунёда ҳар бир бола отаси ким ва қаерда бўлишидан қатъий назар тенгдошларига, сураганларга оғиз тулдириб: «Мен фалончининг ўғлиман, отам фалончи, отам фалон ерда», дея айта олсин. Чунки гудак учун «Менинг отам йўқ» деган бўлиш ҳар қандай тубсиз жарилдан ҳам қура дахлатириқдир. Агар билсангиз, гудак учун отасизлик дуненинг аччиқ шамолидир. Бу дунёда ҳеч бир гудак қисмати шу аччиқ шамолга рубору бўлмасин!

Сиз ҳам фикримизга қўшилисизми, биродар?

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ
Сурхондарё вилояти

НАСИБ ҚИЛСА, ТИШИНГНИ СИНДИРИБ ҚИРАР

Ёшлигимда жуда озгина, ювош, мумингина бўлганимдан тенгқўрларим, мактабдошларим томонидан ҳам жисмонан, ҳам маънавий камситилар эдим. «Оғзидан гапи тушиб қолган, латта», «атала» қабилидаги иборалар менинг шайимга тез-тез айтилар эди. Бундай камситишга менда кунликма ҳосил бўлганди.

Мактабда арифметика, физика, тарих, географиядан бирмунча дуруст бўлсам-да, химия, физкультура, ашула, айниқса тил фанларидан йўқ эдим. Рус тилида ёзган диктантимдан 68 хатони эринмай топиб, қизил қаламда тўзатиб келган ўқитувчимиз Нина Васильевна дафтарини синфдошларимга кўрсатиб «пожарная машина» (қипқизилигига ишора) дегани ҳеч ҳам қўлогимдан нари кетмайди.

Бир кун отам-онамининг мен ҳақимдаги: — «Майли, пулини олишса ҳам, уришсалар ҳам ишқилиб куп қатори ўқиб юрса бас, мактабни битирса узғариб қолар», — деган гапларини эшитиб қолдим.

Мактабга бориш йўлимиз хивбон орқали утарди. Кунлардан бир кун дарслар тугагандан сўнг сумкамни кутариб хивбон бўйлаб ёлғиз ўзим кетарканман, кутимилганда икки бола рўпарамда пайдо бўлди ва мендан пул талаб қилди. Менда сариқ чақа ҳам йўқ эди. Шунга қарамай бир-бир чун-

тақларимга қўл солиб қилдим. Болалар гирт бегона эди. Ваҳожатлари мени саросимага солиб қўйганди, ноилоҳ «пулим йўқ», дейишга мажбур бўлдим. «Топасан», деб рўпарамдаги бакувватроғи чап мушти билан жамга чунон туширдик, мен беихтиёр қийшайиб йиқила бошладим, ўша мувозанатимни йўқотишда уш қўлим пастдан юқорига ёйсимон кўтарилиб шу топда орқамдан келиб қолган иккин-

хивбоннинг тор дарвозасидан чиқиб, уй томонга югуриб кетдим. Чамаси 50 метрлар югуриб, чапта — ўзимизнинг катта кучамиз муъолишига етиб, орқамга бир қарадим. Ҳеч ким орқамдан қўлмаганига ишонч ҳосил қилгач, югуришдан тўхтаб, илдам қадамлаб, ҳаракатимни давом эттирдим. Уйимизга етиб бориб дарвозадан кираришда яна бурилиб ортимга қарадим — тинч, ҳеч ким таъқиб қилмаяп-

ди, воқеани эслашмади. Шу аснода кўнлар утаверди. Менинг кўнлимда бу воқеага хотима берилди. Орадан чамаси ҳафта-ун кун утганда халтачани очдим — қарасам 1113 сум пул. Бу дегани ўша вақтда уртача бир ойлик маошдан кўпроқ эди. Билмадим ота-онаси бирор нарса олиб келиш учун берганими ёки угирлаганими, топиб олганими, ё тортиб олганими — бу ҳанузгача менга қоронғу.

Кейинчалик эшитганим: «Насиб қилса тишингни синдириб қирар», халқ ибораси менинг ҳаётимда бир қарра уз исботини топган бўлса не ажаб.

Ажабо, шу воқеа сабоқ бўлганим, ё табиятан раҳмдил, кунгилчан бўлганимданми ҳозиргача бирор гадо, тиланчи (айниқса болали аёл) девона ва бошқа хайр-садақа суровчиларни учратсам имкон даражасида хайр-садақасини бериб утаман.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мактабни битириб Тошкент олийгоҳларидан бирини тугатгач, армия сафида бурчимни утаб келиб Мирзачўлини ўзлаштиришда куп қатори озми-кўпми ўз ҳиссамини қўшдим. Юқори ва куйи тақшиллотлардан берилган қатор медаллар, нишонлар, ёрликлар бунга гувоҳлик беради.

Искандар ИСАЕВ,
Сирдарё вилояти

Кунларнинг бирида...

чи болага беихтиёр қўққисдан урилиб кетди. У бу қутилмаган зарбадан гандирақлаб кетди. Сўнг ўзини четга тортиди. Наргисини менинг йиқилганимни кўриб яна уда-ғайлаб иккинчи зарбани беришга тайёрланиб келмоқда эди. у қўлочини ёзиб уришга муялласгандан қаддимни кўтаравтган эдим, яна энкайдим. Бунини сезиб, иккинчи мушти билан пастдан қучли зарбани юбораётганда худо сақлади—чап бердим. Унинг мушти менинг тумшугимга етиб улгурмай, ҳавонини кесиб юқорига утиб кетди (агар шу зарба башарамга текканда билмадим, ҳолим не кечарди). Унинг ўзи ерга — менинг оёқларим тагига қулаб тушди. Фикр-чакра, ўзининг кескин ҳаракатларидан бирор аъзоси лат еди-ёв. Мен эса жон-жаҳид билан югуриб бордим-да, ерда ётган сумкамни олиб

ти. Бемалол сумкамни ҳар доимги жойига олиб қўйдим, тасодифини қарангки сумкамни қўл ушлагичга осилиб бир қизил халтача турар эди. Оғзи бурмали халтачани ипи тортилиб, бўйни бойланган, пайпаслаб билдимки, ичида пул бор. Аммо очиб қуришга журят этмадим. Мабодо сураб келса қайтариб бериб юбораман деган ҳаёлга бордим.

Уйдагилар воқеадан беҳабар эдилар. Мен уша биринчи зарбадан тишим зирқираб оғриганидан безовта эдим. Эртаси кун аъзабрий қўққанимдан «тишим оғриятти» баҳонасида (аслида оғриганини тўғри бўлиб биттаси синган эди) ўқишга бормадим.

Индинга халтачани оғилдаги сомон ичига яшириб уйлана-уйлана ҳадиксираб мактаб томон йўл олдим. Аммо мактабда ҳеч ким суриштирма-

Дил изҳори

ПЕШОНАМ ШҲР ЭКАН

Университетдаги ўқишдан сўнг ишга кирдим. Ва шу йили бир йигит билан аввалига шунчаки учрашиб юрдик. Кейинчалик эса учрашувларимиз шунчаликка етдики, мен ундан фарзанд кутардим. Унга бу ҳақда айтсам, «уйлана олмаيمان», деди. Чунки у йигит мендан турт ёшга кичик эди. Худди шу кўнлар бизникига совчилар келиб қолишди. Шунда мен аччиқма-аччиқ рози бўлдим. Лекин олдиндан кўёв бўлиши болага алданганлигини айтдим. Лекин бола ҳақида оғиз очмадим. Олдириб ташлагани кўрдим. Тўйдан кейин турмуш ўртоғим бунини ҳам билиб қолди. Лекин мени яхши қўрганлиги учун индамади. Мен 15 кунлик келин бўлган кўним эса М. менинг келинлик уйимга келди. У қилиб, бу қилиб мени уша уйдан кўнглимни совутди. Барибир боламин отаси экан, ҳам уни шунчалик севадирдимки, ҳали ҳануз унута олмаётганим. Шундай қилиб мени гап-сузга қўйиб, оиламин бузди, ўзи эса Россияга кетди-қолди. Мен эса бола билан аро йўлда қолдим. Шу кўнларда ҳаётдан жудаям тўйиб турибман. Фақат қизим куз унгимга келсагина ўзимни тўтиб оламан. Ма-на, қизим ҳам 1 ёшга тўлди. Бошқа болаларга қараб, «менинг дадам қаерда», — деб сураб қолади. Мен нима деб жавоб берай. Охири тоқатим тоқ бўлиб М.нинг онаси олдига бориб ҳаммасини айтиб бердим. М.ни синфдош ўртоқларим ҳам бўлиб ўтган воқеадан хабардор.

Ҳозирда қизим ўзинини фамилиямда. Лекин М.нинг фамилиясига ўтказмоқчиман. «Нега менинг отам йўқ? Отам ўзи қандай одам?» — деб сураганда мулазам бўлиб қолишни истамайман. Судга борсам, уша йигит билан тушган расмингизини ва учта гувоҳини олиб келинг, дейишарди. Расмини онамлар йиртиб ташлаганлар, дўстларим эса гувоҳликдан қўрқияпти. Мен нима қилай? Бировникида ижарада утирамиз. Ўзимизга уй сотиб олгани шарафот йўқ. Ҳозир аро йўлдаман. У йигитни судга берай десам, кўнглим йўл қўймапти, бермай десам биз қийналяпмиз. Нима қилишим керак? Илтимос, маслаҳат беринг.

Шунчалик уйланавериб, бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Мен тўғри тушунасизлар, деб уйлaimан. Менинг-ку ҳаётим адашиш-алдинишлар билан утаяпти. Қизимнинг келажига фойдаси тегадиган маслаҳатлар берасизлар деб қўтиб қоламан.

Қизингиз Ҳ.
Фаргона

БУ ЙЎЛГА АСЛО ҚАДАМ ҚЎЙМАНГ!

«ОДАМЛАР БИЗНИ ТУШУНИШАРМИКИН?» — 4-сон

Синглим, Ситорахон! Дилингиздаги дардингизни очиб-ойдин баён қилиб тўғри қилибсиз. Мен ҳам сизга ўз маслаҳатларимни бермоқчиман. бу фақат маслаҳат. Унга қандай амал қилиш эса ўзингизга ҳавола...

Мана бир неча кундирки сиз мен билан биргасиз. Мен сизни қандайлигингизни ҳатто тасаввур қилмаман.

Ситорахон, биламан, сиз чидамли ва сабрли қизсиз. Шунинг учун тезроқ севгилигингизни унутишга ҳаракат қилинг, чунки сиз бировнинг оиласини бузувчи бузғунчи эмассиз! Биламан, сиз меҳрли қизсиз. Шунинг учун ҳам унинг фарзандини тирик етимлар қаторига қўшилишига йўл қўймайсиз! Синглим, сиз унинг оиласини бузмасдан иккинчи хотин бўлишга рози бўлмоқчисиз. — Йўқ, сиз бу йўлга асло қадам босманг. Агар шу йўлни танласангиз, кейинчалик сизни қанчадан-қанча афсуслар қутаётганини биласизми? Сиз унинг хотини билан ўзингиз ўйлаганчалик опа-сингил бўлолмайсиз. Чунки сиз унинг эрига бўлган севгингиз билан уни тириклайин улдирангиз-ку! Унда сизга нисбатан доимо нафрат бўлади. Сиз эса унинг олдида ўзингизни доимо айбдор ҳис қиласиз. Мен сизга бир неча мисоллар ҳам келтирмоқчиман. Дейлик, оилали йигитга иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқшингизга ота-онангизни бир

амаллаб кўндирдингиз. Тўйингиз ҳам бўлиб ўтди. Сиз у билан қачон яшасиз? Фақат кундузими? Ахир у кечкурин ўз қонуний оиласида бўлиши керак-ку! У сизни уйли-жойли қилди, уйингизни бекаму кўст жихозлади. Сиз ҳеч нарсага зорикмайсиз, лекин сизни бир нарса қийнайди. Бу — ёлғизлик...

Ҳа, умид билан бир ёстиққа бош қўйган кишингизни худди меҳмондай қўтиб олишингиз (бу-ку яхши-я) ва унинг белгиланган вақти ту-гагандан кейин биринчи оиласига қўзатиб қолишингиз алам қилмайдими?

Сизни ёлғиз қолганингизни билган баъзи бир нопок кимсаларнинг сизга қўз олайтиришларини тасаввур қиласизми? Ана шундай нопок қўзлардан асраш учун ота-онангиз, укаларингиз сизни қўриқлашга мажбур бўладилар. Қачонгача сиз қоровуллар билан яшасиз? Ёки қачонгача уларни қоровул қиласиз? Уларни ҳам ўзларига яраша оилалари, ўй-ташвишлари бор-ку! Фарзандли бўлсам ёлғиз бўлмайман дерсиз. — Йўқ, адашасиз! Фарзандли ҳам бўлдингиз. Қўтилмаганда кечаси ўзингиз оғриб қолдингиз. Мурғаккича фарзандингиз сизга қандай ёрдам бера олади? Фарзандингиз катта ҳам бўлиб қолди. Унинг: — «Нега менинг дадам бошқаларнинг дадасига ўхшаб уйимизда ухламайди?» — деган саволига нима деб жавоб берасиз? Ёки: — «Даданг тунги сменада ишлайди», — дейсизми? Қачонгача? Баъзида фарзандингиз ва севганингиз билан куча-қуйда кетаётганингизда ортингиздан баъзиларнинг сиз ҳақингизда ҳар хил ғийбатларни, миш-мишларни айтаётганларини сезиб қоласиз, лекин албатта сезмасликка уринасиз. Бошқа иложингиз ҳам йўқ. Ана шундай пайтларда жуда кўп пушаймон бўласиз, лекин унда кеч бўлади.

Дейлик, севганингиз бектоб бўлиб касалхонага тушиб қолди. Сиз уни кўрган бордингиз. Шу пайт унинг қонуний хотини ҳам келиб қолди. Шунда сиз ўзингизни қандай ҳис қиласиз? У-чи? Унинг бутун жисми сизга бўлган нафрат ёғида қовурилди. Сиз эса бир оғиз сўз айтолмайсиз, чунки сиз ўз айбонингизни жуда яхши биласиз!

Улим ҳақ. Вақти соати келиб ҳаммамиз ҳам бу дунёдан қўз юмамиз. Севганингизнинг умри узок бўлсин.

лекин уша машъум кун келса сиз нима қиласиз? У билан охири марта қўришиш, видолашиш учун унинг уйига қайси юрак билан борасиз?

Ҳа, сиз севгилининг учун ҳамма нарсасига тайёрсиз. Шунинг учун юрак ютиб унинг уйига ҳам бордингиз. Лекин у ерда сизни қандай қўтиб олишди? Ахир сиз унинг қариндош-уруғларининг кўзлари билан қараганда «енгилтак», «суюқоёқ»-сиз-ку!

Наҳотки, ҳозир сизга ҳавас билан қараётган дўғоналарингизни уша пайтда ачи-нишларини истасангиз!

Кўйинг, сингилжоним, бу йўлдан тезроқ қайтинг! Ахир сиз «бир қозонда икки қалди қайнамайди», — деган нақлни яхши биласиз-ку. Хали сизни ун гулингиздан бир гулингиз ҳам очилгани йўқ. Худо хоҳласа, сизни унда ҳам кўпроқ севадиган инсон албатта топилади. Ишонманки, сиз ҳам уни ҳозирги севгингиздан ҳам кучлироқ севиб қоласиз ва ана шу инсоннинг уйига катта тую-томшалар билан қириб борасиз. Ота-онангизнинг орзуларини ҳам рўёбга чиқарасиз. Қайнона ва қайнотангизни ўз ота-онангиздек бўлиб, уларнинг хурмати ҳойига қўясиз, хиз-

матларини елиб-югуриб чин дилингиздан бажарасиз. Уларнинг эрка келини бўлиб қоласиз. Қайнона, қайсингилларингиз билан ҳам ака-сингил, опа-сингилдай бўлиб қоласиз. Ҳаммалари сизга меҳр ва ишонч билан қарайдилар. Уларнинг меҳр ва ишончларини қозониш ҳам бахт-ку! Фарзандингиз ва унинг меҳрибон дадаси билан куча-қуйда кетаётганингизда ортингиздан ҳамма сизга ҳавас билан қараб қолади. Бундан ортиқ бахт борми дунёда! Мен сизга ана шундай бахт тиламан!

Касаликни даволашдан кўра олдини олган яхши дейишди. Шунинг учун келажақда сизни қўтиб олиши мумкин бўлган но-хушликларнинг илдизини ҳозироқ чопиб ташланг! Сиз, албатта, келажагингизни кўз олдингизга келтириб аниқ ва дадил қадам ташланг!

Инсон бу дунёга фақат бир марта келади. Шунинг учун у ўз умрини фақат яхши ишларга бағишлаши керак. Токи, у бу дунёдан ўтиб кетгандан кейин ҳам ундан фақат яхши ном қолсин!

Ситорахон, мана бир неча кундан бери мен сиз билан гойибона суҳбатлашмоқдаман. Сизнинг қайси йўлни танлашингиз мени, албатта қизиқтиради. Шунинг учун кейинроқ ҳаётингиз ҳақида газетамизга яна бир мактуб йўлласангиз. Сизга бахтдан тахт тилаб қолувчи опангиз:

Замирахон ҲАМИДОВА,
Фаргона вилояти

ҲАЛОВАТНИ ҲАЛОЛЛИКДАН АХТАРИНГ

«ТАҒИН ГУНОҲГА БОТАЙМИ» — 50 сон

Кўпчилик инсонлар умрининг асосий қисmini ўз қўллари билан ҳозирлаган ғам ташвишлар-у, хавф-хатарлардан ҳимоя қилиб ўтказдилар. Ўз мактубингизда битганингиз каби гузал рафиқангиз, бир-бирдан ширин турт нафар фарзандларингиз бўла туриб, моддий томондан ҳам қийинчиликларсиз ўтаётган 18 йиллик туки, тинч-тотув рўзгорингизда ҳузур қилиб, хотиржамлик билан бирин-кетин буй етиб келаётган фарзандларингизнинг қамолоти ҳақида эмас, «Тагин гуноҳга ботайми?» — дея руҳингизни азоблаб, бош қотириб юганингиз учун сизни ҳам юқоридаги инсонларнинг бирига қиёслагим келди.

Сиз аввалам бор ўша ҳаёт сўқмоқларига дуч келаётган ва ўз заифлиги туфайли, сиз — бегона эркака оиласининг энг оғриқли, дардли сирларини очолган Умидахонга «ўзини синаб қўриш» ҳақидаги маслаҳатни бериб нотўғри йўл тутгансиз. Ваҳоланки, олижаноб инсонлар бундай вазиятларда бир-бирларига тўғри ва «инсофли» маслаҳатлар бериши зарурдир. Қолаверса, «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер билгин», — деган ажойиб нақлдан келиб чиқиб, ўша аёлни турмуш ўртоғини урнига ўзингизни қўйиб танангизга бир ўйлаб курсангиз, балким бу гуноҳлар қучасига қирмаган бўлар эдингиз. Ёйини у маслаҳатнинг урнига хиёнат йўли орқали ўзини синаб қўриш ниятида олдингизга келолган ўша ўзбек аёлига «— Синглим, йўлдан адашманг», «Эринг ярим пиринг», — деган бебаҳо нақлни эслатиб, эри бор аёлнинг эрига нисбатан қилаётган бу амалини гуноҳлар ичида энг ёмон эканлигини тушунирсангиз маъкул иш бўлар эди. Лекин, афсус, сиз бошқача «мурувват» қилибсиз. Тушунишимча, сизнинг бу «мурувват»-ингиз туфайли уларнинг оиласи сақланиб қолмади. Аммо шунинг унутмангки, оила мўқаддас бир неъматдир. Уни хиёнат билан, хиёнат суви билан қўқартириб, яшнатиб бўлмайди. Ин-

сонлар ўйламай, билиб ёки билмай қилган хатолари туфайли тақдирларини ўз қўллари билан қалқаш, боши берк қучаларга бошлаб қўйиб, «ёлгончи дунё», деб дунёни айблайдилар. Йўқ, аслида бу дунё инсонларга уни авайлаб асраш учун, гулларга, нурларга, яхшиликларга, савобларга қўйиб шунинг инъом этилган. Бу дунёда инсон қанча савоб қилса шунча яхши, гуноҳнинг эса биттаси ҳам кўпдир. «Тагин гуноҳга ботайми?» деб сурабсиз. Йўқ, асло. Гуноҳнинг қами яхши. Қолаверса Ҳадиси шарифда «Никоҳсиз зино дунёни бузади», деб ёзилган. Ҳеч бўлмаганда ўзга отанинг бағрида никоҳсиз дунёга келган фарзанднинг тақдирини ҳақида ўйланг.

Менинг сиз ва Умидахонга ҳам берадиган маслаҳатим, бандаси ўз гуноҳини қалбдан ҳис қилиб Аллоҳдан кечирим сураб, тавба қилса, раҳмдил Аллоҳ кечирувчидир. Бу гуноҳдан қайтиб, тавба қилсангиз, балким Яраттанинг ўзи ҳаётингизнинг қолган қисmini иймон нури билан ёритса ажаб эмас.

Инсон ўзи муҳтож бўлган ҳузур-ҳаловатни, осийишталикни, самимий севги, меҳр-муҳаббатни покиза руҳ билан ҳалолликдан ахтаргани маъқулдир.

Сизга ва Умидахонга ҳам маслаҳатим, инсон маънавиятининг асосий мезонларини қўрсатувчи, қамолат мактаби бўлган Ҳадиси шарифларни варақлаб қўринг. Шундай китоблар кундалик ҳаётингизда, турмуш қоидаларини белгилаб олишингизда сизнинг яқин маслаҳатгуйингиз бўлиб қолса ажаб эмас.

Майли, эски йилдаги гуноҳлар эски йилда қўлиб кетсин. Янги йилда йил буйи осийишталик, ҳузур-ҳаловат ва ўз оилангизга нисбатан самимий муҳаббат тилаб қоламан. Маслаҳатим, тагин ўша каби гуноҳларга асло ботманг.

Дилором МУРОДОВА
Тошкент

«БАХТЛИ КУНЛАР КЕЛАДИ, ИШОН...»

«ЁМОНЛИК» — 4-сон

Мен бу мақолани ўқиб, дунёда шундай разил, қабиҳ одамлар борлигидан нафратландим. Худодан кун келиб, уларнинг шундай бир тубсиз жарликка қулашларини тиладим.

Сенга нима тилай сингилжон? Бу борада фақат бардош сенга ҳамроҳ бўла турсин. Руҳингни туширма, сен учун бахтли кун келишига ишон! Сенга тилагимни ўшбу шеърим ила баён этмоқчиман:

Кўй йиғлама, садқан кўз ёш,
Чеккан охларингга арзимас улар.
Кўзларингдан оққан ҳар бир томчи ёш,
Кун келиб уларнинг виждонин бўғар.

Пешонангга ёзилган бахтли кунларни,
Ўчириб кетганининг уйлари қуйсин.
Қачонгача қаргайсан унсиз тунларни,
Тун эмас, уларни тупроқлар ютсин.

Бокира туйғунгни этдилар поймол,
Бемажол тананг кезар дарбадар.
У дунёнинг азоблари бўлмайди осон,
Барча ёвузликлар ўзига қайтар.

Ният қил, Аллоҳдан сенга аталган,
Бахтли кунлар келади ишон.
Юрагингга севгидан ўтлар қалаган,
Бир ажойиб инсон келар ногаҳон.

Ҳаётингга ўчмас қора доғларни,
Бир зум бўлса ҳамки сингилжон унут.
Энди келадиган қўвонқ чоғларни,
Ҳам ҳаяжон, меҳр-ла, интиқ бўлиб қут!

МЎЎТАБАР,
Ангрен

ҚИММАТГА ТУШИШИ МУМКИН

(«Унинг тўйи тезроқ ўтсайди» 46-сон)

Азиз ҳамюртим Д... Сиз бунчалик қуюнманг. Бу сиқилишингиз соғлигингиз учун қимматга тушиши мумкин. Сиз бу дунёда унга керак бўлмасангиз ота-онангизга кераксиз, ахир. Сизга бир нарса бўлса сизни не умидларда катта қилаётган ота-онангиз, жигарларингизни не аҳволга тушишини уйлалмасликка ҳақингиз йўқ. Сизга маслаҳатим: Ўзингизга муносиброқ йигитга турмушга чиқинг, ҳамма ҳавас қиладиган ширингина оила қўриб бахтли бека бўлинг. Сиз шундай яшангки, ўша йигит қилган ишига бир умр қалбан эзилиб юрсин.

Моҳира

ШАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз онажонимиз

Халима
Арслонбоева!

Сизни табаррук 50
ёшга тулишингиз му-
носабати билан чин
юрадан қутлаймиз.
Аллоҳдан узоқ умр ва
бахтимизга омон юри-
шингизни истаймиз!

Фарзандларингиз
Феруза, Нигора,
Фарҳод,
невараларингиз
Зарина, Нигина,
Сардор

Азиз онажоним
Шабон Шўхтаева!

Сизни
баҳор, Нав-
руз ва та-
валлуд ку-
нингиз бил-
ан қут-
лаймиз!

Бахти-
мизга дои-
мо соғ-омон бўлинг, онажон!

Ўғлингиз
Исмоил

Валидамиз
Назира
Шўрдинова!

Тугилган кунин-
гиз муборак бўл-
син! Оиламизга
осойишталик, сиз-
га эса соғлиқ ти-
лаймиз.

Фарзандларингиз
Олимжон ва
Мирмуҳсин

Онажонимиз
Сафарова Хикоят
Рамазановна!

18 марта — тавал-
луд кунингиз қутлуг
бўлсин!
Чеҳрангиздан асло
табассум аримасин!

Ўғлингиз Сафаров
Абдумажид

Қибрай тумани 1-ка-
сб-хунар лицейи томони-
дан РАИМБЕКОВ ОТА-
БЕК ЭРКИНОВИЧ номи-
га 5-март 1997 йилда
берилган АУ-032741 ра-
камли диплом йўқолган-
лиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОИЛА-528

Тошкентлик 30 ёшлар-
даги уйланмаган, олий
маълумотли, қадди-қомати
келишган йигит, 25-26
ёшлардаги ўқимшли, ўз-
бек қизи билан танишиш-
ни хоҳлайди.



САБЗИ

- Бир подшо ҳар куни кечқурун овқатдан сунг, икки дона сабзи ейишни қанда қилмас экан. Уша подшоҳ кексаганида на қўлига ҳасса ушлабди, на қўлига қўзойнак тақибди.
- Онасини туйиб эма олмаган чақалоқларга сабзи сувини илитган ҳолда ичириш керак.
- Икки-уч кунлаб овқат емаган беморларга қизил сабзини киргичдан утказиб, аввал сувини, кейин эса киргичдан утганини бериш керак.
- Бир кунда қамида бир дона сабзини пусти билан еб турилса кўз нури равшанлашади.
- Қайнатма шўрвада пиширилган серпиз сабзиди овқат, ҳар қандай беморлар дардида даъво, соғломлар учун қувват бахшидир.
- Янги қазилган ёки ерга қўмилган сабзи серсув бўлади.
- Оч қоринга сабзи ейилса, ҳиқичоқ пайдо бўлади. Соғлиқ учун ҳар замонда ҳиқичоқнинг фойдаси бор. Ҳиқичоқни тўхтатиш учун уч-тўрт хўплам қайнаган сув ичилса, уша заҳоти тўхтатади.
- Сариқ касаллигини олдини олиш учун, сабзи сувини ичиб туриш ёки узини ейиш керак.

Сандмурод САИДАҲМАД тайёрлади

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»
ЎГИТНОМАСИ

Ҳаёт деб аталмиш лаҳзалик ва улчовлик: умр гирдоби бизни истамаган ҳолатимизда ҳам шиддат билан ўз домига тортaveraди, гўёки осуда мавжланиб оқаётган дарё сувининг гирдоби сингари...

Одам узини қўзғуда қуриб, биз ифодасидан яхши фазилатларини кургандек ҳулосага келади. Лекин айнан ўзи атрофдагиларга қўзғу эканлигини, ман шу қўзғудан унинг қандай инсонлиги қуриниб турганлигини билмайди.

Муяссар УСМОНОВА,
Олмалик

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ЕРДАМ БЕРДИ
ЛУИЗАНИ ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРМАЙМИЗ

«Оила ва жамият» газетасининг 28 ноябр 3 со-
нида «Сен ёлғиз эмассан Луиза» мақоласи Қаш-
қадарё вилоят «Иссиқлик манбаи» меҳнат жамоа-
сида атрофлича қуриб чиқилди.

Мақолада қўрилган фактлар тўғрисида деб то-
пилади. Луиза Қарши шаҳрининг Пахтазор маҳал-
ласи 48-й, 31-хонадонда бўйис ва ҳоласи бил-
ан яшайди. Касаба уюшма қўмитаси Луизани-
нг ҳолидан тез-тез хабар олиб турибди.

Луизанинг аҳоли яхши, 14-колледжа ўқийди.
Луизага дори-дармонлар сотиб олиш учун корхо-
намиз ҳисобидан 7 минг сум берилди.

Бундан буён ҳам маъмурият ва касаба уюшма
қўмитаси қизнинг ҳол-аҳолидан хабар олиб ту-
ради.

С.М.ҲИҚМАТОВ,
Қашқадарё «Иссиқлик манбаи»
бошқармаси бошлиғи.
Т.Н.НОРБЕКОВ,
касаба уюшма қўмитаси раиси

БОБОМ МЕНГА
ЙЎЛ КЎРСАТДИ

Мен тушимда аён бўладиган ҳамма нарсага
ишонаман. Чунки у ҳамма унгидан келади.

Талабалик йилларим бир йигит мени яхши ку-
риб орқамдан эргашиб юрарди. Олдинига мен
мағрурлик қилиб унга эътибор бермасликка ҳа-
ракат қилдим. Йигит мени ўқим тугагунига қа-
дар кутди. Ва мендан бошқа бирорта қизга
қайрилиб ҳам қарамади. Уйимизга совчилар ке-
ла бошлади. Мен уларнинг ҳаммасига «Йўқ те-
рмайман», — деб жавоб бердим.

Бир куни тушимда жудаям баяндал зиналардан
тепага қараб чиқиб кетаялман. Оёғимга эса янги
туфли қийиб олганмишман. Ҳалиги туфлига узим
ҳам ҳайрон бўлиб қарайман. Ахир менинг буна-
қанги қизил рангли туфлим йўқ эди-да. Эрталаб
тушимни онамга айтсам у қулиб юборди. Қиз бо-
ла тушида янги туфли қийса совчи келади, деб
тегажоглиқ қилди. Худди келишиб олгандай уша
куни уйимизга келиб юрган совчи яна келди ва
отам унга розилик бериб юборди. Мана ҳозир
бир уғил, бир қизимиз бор. Худого шукр, бахт-
ли оиламиз.

Яқинда яна бир тушим билан боғлиқ ҳодиса
юз берди. Нима қилишимни билмай, ишимни ян-
гиласамми, йўқми деб юрган кунларим. Одам бе-
зовта бўлса дарров унинг уйига арвоҳ капалак ке-
лади, деган гап бор. Уша туни тушимда катта
боғнинг уртасида ҳашаматли уй. Уйнинг ичида
болаларим менга қараб утиришибди. Улар томон-
га утай десам, ҳамма ёқни сув босиб кетган. Ҳат-
то уй ҳам сувнинг устига қурилганмиш. У ёққа
югурдим, бу ёққа югурдим, сузиб борай десам
кулларим йўқмиш. Юриб утгани йўл ҳам йўқ. Шу
пайт оппоқ соқоли, оппоқ қўйлаб қийиб олган
бобом раҳматли қаердандир ванимда пайдо бўлиб:
«Қизим, мен сенга узим йўл курсатаман», — деб
мени уша оқ уйга олиб бориб қўйди. У кетаё-
тиб энди йўлнинг адашмагин деди-да, қайққа-
дир ғойиб бўлди.

Ушбу туш таъсиридан чиқолмай юрган ҳам
эдимки мени узим яхши қурадиган, маоши ҳам
яхшигина ишга тақлиф қилишди.

Одина РАҲМОНОВА

ЯХШИЛАР ЁДИ

УЛАР ҚАДРИГА ЁТАЙЛИК

Бу не қисмат! Эндигина 38 баҳорни қарши
олган дадажонимни олиб кетдинг бераҳм улим.
Бағримдан бир қўшни сугуриб олдинг. Менга го-
ҳида онамни далдаси ҳам қор қилмайдди. Ҳамро-
ҳим қоғоз — дардимни қоғозга тукиб бироз ен-
гил тортмаман.

Дадажонимнинг қуркам, чиройли чеҳраси қўз
унгимдан ўтаверди. Қўзларимдан беихтиёр ёш-
лар думалайди.

Дадажон, бугун мен англаб етдимки, сиз ме-
ҳр қўригининг улкан ипларини қўлингизда уш-
лаб турган экансиз. Бу ил узилди.

Азиз тенгдошларим! Бу дунёда ҳамма нарса
омонат бўлгани каби ота-онамиз ҳам омонат.
Уларнинг қадрига ётайлик, асраб-авайлайлик.

Феруза САИДОВА
Қашқадарё вилояти

АРЗИ ҲОЛ

АЁЛ — ОНА ҚАДРИ ТИКЛАНСА...

Матлуба Қосимова Олтиариқ тумани Повулгон
қишлоғи, Мустақиллик куча 34-уйда яшовчи Ус-
монов Неъмат билан оила қуриб бир фарзанд
ли бўлишди. Шу даврда 2 хонали турар жойга
эга бўлишди. Лекин баъзи арзимас сабаб баҳона
бўлиб Неъмат Матлубани боласи билан уйдан
ҳайдаб юборди. Бугун Матлуба ёш боласи бил-
ан онасининг бир хонали уйида Янгиқўрган
қишлоғи, Маориф кучаси 49-уйда яшаётди. Ус-
тига устак Олтиариқ тумани Қизилтепа физио-
терапия шифохонасидаги ишидан ҳам мажбурий
четлатилган. Мана 8, ойдириқ Матлуба ёш бо-
ласи билан сарсон-сарғардон.

Шоядки Матлуба Усмонованинг ана шундай
ачинарли ҳол-аҳолидан хабар топаган Олтиариқ
туман ҳокимияти, хотин-қизлар қўмитаси унга
яқиндан ёрдам берсалар. Шунда аёл-она қадри-
ни тиклаб олади. Шу ҳаётга керакли ва қадри
эканлигини чин дилдан ҳис этади, деб ишона-
миш.

Тўйчи ТҲУЛИЕВ

УНИ ЯНА ЙЎҚОТИШНИ ИСТАМАЙМАН

Газетада берилиб бораётган ранг-баранг мақолалар мени ҳаяжонга солади, энтиктиради. Мен юрагимни 24 йилдан буён қамраб олган ишқ алангасини ёзсам кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўларман деб чўчидим. Яқинда ўқиб қолганим муқаддас ҳадиси Шарифда шундай ёзилган экан: Аллоҳ Таоло кимники бу дунёда севиқли кишидир ажратса, тортган азоблари эвазига у дунёда жаннатга киритар экан. Ва яна Худо қайси бандасини севса ўзига бўлган севгини бирор киши орқали унинг юрагига солар экан. Бу гаплар менга далда бўлди. Мен худога, қайта тирилиш кунига қаттиқ ишонувчи аёлман. Куръони Карим, Ҳади-си Шарифлар менинг суякли китобларим. Шуларга ишонганим тўғрисида худонинг газабидан қаттиқ қўрқаман.

Менинг юрагимга беғубор болалик чоғимда (12—13 яшарлигимда) ишқ олови тушган эди. Бу севги йиллар ўтган сайин аланга олса оладики, сунмайди. Ҳар кун, ҳар ҳафта қалбимда янги бир чаман очиб, унинг хуш исларидан мени баҳраманд этади, менга ором беради, яшашга, эртанги кунни кутишга ундайди. Бу ишқ мени кўп балолардан олиб қолди. Шу ишқ оламни менга чиройли қўрсатди. Рўзгоримда кўп нотинчликлар бўлса-да, ўша олисларда қолган севгим ёди билан уларни енгдим, унинг ёди билан юрагимга равшанлик солди. Ваҳоланки ўн йиллаб уни қўролмаган пайтим ҳам бўлди.

Нима бўлган эди, ўзи сенга дерсиз? Менга кўп нарсалар бўлган эди.

Мен у болани (биз ҳали бола эдик-да) шунчалар севиб қолган эдимки, эгатда ёнма-ён пахта терганимизда нафасим тўхтаб қолаётгандек бўларди. Оёғим у томонга тортиб кетаварди, сузлашганимизда, ҳаяжоннинг зуридан бўлса керак, оғзим кўп-кўп бўлиб, тилим оғзимда айланмай қоларди, қўзим-қўзига тушиб қолса, чақмоқдан-да зўр бир ўт юрагимни тешиб ўтгандай бўларди. Бу менга ҳузур бахш этиб, еттинчи осмонда юргандек бўлардим, оёғим ер босмасди: У бошқа болаларга ўхшамасди (балки менимча шундайдир). Жуда уятчан эди. Менга юз ёриб севгисини тузук-курўк айтолмади ҳам. Ўн йилдан ортиқ ошқ-машўқ номини олсак-да, бир бор қўлимдан ўшламади, бир бор буса олмади мендан. Қизлик ғуруримни енгиб унинг тугилган кунини аниқлаб совғалар бердим, армияга кетганида хайрлаша олмадик, шундай бўлса-да, манзилли топиб хат ёзиб турдим. У хизматдан қайтганида мен институтнинг биринчи курсини тугатган эдим, таътил пайти эди. Унинг келганини эшитиб жонсарақ бўлиб қолдим, ундан бирон гап кутдим, гап ҳам келмади. Бир ҳафталардан кейин опасининг туйи бўлди. Онамнинг қаршиликларига қарамай туйга отландим, дугоналарим билан туйхонага кириб борарканман, қўзим ҳеч нарсани қурмай, қўлогим ҳеч нарсани эшитмай қолди. Бутун вужудим қўз бўлиб уни излайман: «Қани у?» мен ахир унинг уйига келдим, у эса йўқ. Бир тўп қизлар четда бир-биримизнинг қўлимиздан ўшлаб турардик. Шу пайт биров сочимдан беозоргина тортиди. Юрагимдаги шўбҳа-гумонлар пардайи тузиб кетди. Ахир ким ҳам тортарди ундан бошқа, у мени севади, у мени унутмаган. Соғинч мени эзиб ташлаган эди, шу дақиқани соатлар санаб кутган эдим, мана у рўпарамда турибди, тулишиб, янаям чиройли бўлибди, қўлимсираб турибди. Бир қарадим-у қўзимни ерга олдим, зўрга «салом», дея олдим, холос. Шу пайт унинг бағрига сингиб кетгим, йиғлаб-йиғлаб соғинганимни айтгим келди. Лекин бу нарсалар бизга ёт эди.

Узимни тўй-ҳашамларга унчалик ҳушим йўқ. Лекин тўйларга фақат у учун борардим. Унинг ҳам учрашиши илнжида хилватроқ бир чеккага чиқиб турганини қўриб қандай ёнига бориб қолганимни сезмасдим, у тўғрисида эшитадиган гапларим, маломатларимнинг сариқ қақачалик аҳамияти қолмасди шу тобда. Унинг овозини эшитиш, суякли чеҳрасини қўриш учун ҳар нарсасга тайёр эдим.

Лекин шундай бўлишга қарамай мен бошқа бировга турмушга чиқдим. Бу ишга қадам қўйишнинг қанчалар қўйин бўлганини билсангиз эди. Кейинги икки йил мобайнида қўзимнинг ёши селдай оқди. Бир гал ўқишдан қайтаётганимда бекатда у пайдо бўлди, уни

қўриб қўз ёшимни тийламадим. Йиғлар эканман, телбаларча ундан қўз ўзолмасдим. Менинг бу ҳолатимдан у қўриб: «Сенга нима бўлди, нега менга бундай қарайсан?» — деди. «Мен сизни қўзларимга жойлаб олмоқчиман», — дедим.

Қўз ёшларимнинг сабаби, мен бошқа бир йигитга (ошиқ йигитга) сезмаган ҳолатда ўлиб бериб қўйган эдим. Ахир мен энг покиза тўйгуларимни, бутун вужудимни унга бағишлаган эдим-ку. Мен не деган қизман энди? Ўн йиллар давомида ҳатто қўлимни ўшлашга-да журъат этолмаган йигитнинг севгисига нолойиқман-ку. Аввалига қўрганда йиғладим, кейин жеркиб ташлайдиган одат чиқардим. Бунинг сабабини у билолмай хайрон. Бир гал опаси мендан сабабини сураганда, — «мен ёмон бўлганман», дедим. Бу туйим арафасидаги гап эди. Бир ҳафта олдин қишлоқда туй бўлди. Мен опасига бориб



(опаси бизга қўшни бўлиб тушган) «Туйга қандай бўлмасин борсин», дедим. Мен уни бир умр яхши қўришимни, унутмаслигимни айтиш учун чақирган эдим. Мени унутмаслигини сурамоқчи эдим. У 2—3 соат давомида менга нафрат билан тикилиб турди, қайтаётганимизда бизга эргашди.

«Уйга яқин келганда: — «Мен сени ҳеч қачон севмаганман, мени унут, эшитяпсанми, яхши қурмаганман сени», — деди. Бу гапларни эшитиб юрагим бўм-бўш бўлиб қолди. Бутун борлигимдан айрилган одамдай суппайиб қолдим. Ўн йил давомида бир бор қўлимни ҳам ўшламади, севмаганлиги учун шундай бўлган экан-да, деган фикр ярқ этиб миямдан ўтди ва: «Биламан, биламан яхши қурмаганлигини», — дедим. Бу бизнинг охириги сузларимиз бўлди. Уйга кириб севгимга аза очдим. Икки кун муттасил йиғладим, ахир қўз ёшларим ҳам тўғаб бефарқ бўлиб қолдим. Туйимни кута бошладим. Тезроқ туйим бўлса-ку—мен бу ҳаётдан, ўшал дунёдан кетай. Таклифномалар ёза бошладим. Ажаб, шунча уринмай биринчи таклифномага ундан бошқанинг номини ёзолмадим. Ҳатто келин бўлиб кетарканман, уни яна бир бор қўришни истардим. Мен бошқа қизлардек ясанмадим. Бу менинг ҳаётимдаги энг охириги кундек кийдирган нарсалари билан ишим ҳам бўлмади. Даврага чиқарканман, қўзларим яна уни изларди, келдимикан? У келган эди! У бошдан-оёқ қўра қийимда эди! Мен уни илгари ҳеч қўра қийимда қўрмаган эдим. Унинг қўйлаги қўра, меники оппоқ... Менинг юрагимда, ҳам қўра мотам бўлаётганини биларикан? У туйда кўп ўтиролмади. Икки соат-

лардан кейин кетиб қолди.

Мен узокқа келиб бўлиб тушдим. Уни унутмаган кўп ҳаракат қилдим. Ахир мен бир оила бекасиман энди. Ё раббим, уни унутолмадим. У менинг юрагимга шунчалар кириб олган эканки, уни унутиш учун мен онамдан янгидан тугилишим керак эди. Мен авваллари туйларга у учун борадиган бўлсам, энди қизлик уйимга ота-онамдан ҳам қўра уни учун, уни соғиниб борадиган бўлдим. Ҳар борганимда опасининг уйига қираман. Ҳар кимнинг оғзига анграман, у ҳақда бирон гап эшитаманми деб.

Йиллар ўтиб икки фарзандли бўлдим. Бир гал опасининг уйида эканимда келиб қолса буладими, Бу тасодифий ҳолат иккимизни-да титроққа солди. Шунда унинг туйига бир ҳафта қолган экан. «Қачонки икки фарзандли бўласан, кейин уйланаман», — деганди у. Унинг қанчалик ориятли, лафзли йигит эканлигини кўрдим. Кейинчалик у менга: «Сени иккита боланг бўлгунча кутдим», — деди. Ана сизга садоқат!

У яна айтдики, «Сен барибир бир кун қайтиб келасан, қўнглинг у йигитга мойил бўлган бўлса, у сендаги вақтинча ҳолат, чунки сенинг юрагингда мендан бошқага ўрин йўқлигини яхши биламан», — деди.

Сен қайтиб бордингми, дерсиз? Ҳа бордим. Унинг туйидан 8 йил ўтгач бордим. Бу орада уни ҳатто тушимда ҳам қўролмадим. Энди менинг ягона орузим уни бир қўриш бўлиб қолди. Қурармиканман уни? Мен унинг қўзларини жуда соғиндим. Менга тикилганда қўра, қизил, сариқ ўқчулар сочарди, унинг қўзлари ва бу ўт менинг вужудимни ёндирарди, мен унинг қўзларининг асири бўлиб қолгандим. Йиллар ўтган сари уни кўпроқ қўмсайвердим. Уни қўришдан бутунлай умидим ўзилди.

Ахир энди унда ҳам учта фарзанд бор. Ўзи ҳам бирон марта мени қўришга интилмади. Ҳамма йўллар берк. Мен энди қачон бўлмасин бу дунёдан кетар чоғимда уни чақиртирмаман, бир суз демай қўзларига тикилиб жон бераман, деб режа ҳам тузиб қўйдим.

Иттифоқо, бир бахтли ва бир бахтсиз кунда унинг уйига кириб бордим. Отамнинг уйига борарканман, оёғим у ёққа тортаверди, ахири истак голиб келди. Хотини бўлиб ўтган гаплардан воқиф бўлса-да, Яхши кутиб олди. У уйда йўқ, қўшниникида экан, қақиртиришди. Шундай бўлган яхши бўлди, ўзимни бироз босиб олдим. Юрагим бўғзимга тикилиб уни кута бошладим. Онаси нималарнидир гапирарди, қўлогимга гап кирмади. У қандай бўлганикин, ахир 35 га қиряпти, ўзгариб эркак қиёфасига киргандир? Ё Оллоҳ, уни аввалгидай қўришни истайман. Ё Оллоҳ... Ёшиқ очилди... Остонада 21 йилдан буён вужудимга кириб

олиб яшаётган севиқли йигит турарди. Қўзлар бир зум тўқнашди. Мени ўн бир йил тарк этган баҳор (турмушимга ўн бир йил бўлган эди) яна юрагимга кириб келди. Мен уни худодан қандай сураган бўлсам, шундай тутқазди. Ўша қад, ўша қомат, ўша оташ қўзлар... Зумда оила, бола деган гаплар ўз аҳамиятини йўқотиб, ёш қизга айланиб қолдим. Унинг бағрига сингиб эркалангим келди.

Шу-шу биз фурсат топиб суҳбатлашадиган бўлдик. У ҳам мени унутмаганини, менинг ҳаёлим билан яшашини айтди. Мен унга ишондим. Унинг қўзлари менга ҳеч қачон ёлғон сузламади. Умр ўтказиш мен учун оддий бир тирикчиликка айланиб қолган эди. Яшашга иштиёқ тугилди менда. Уни қўрсам вужудим яйраб кетади, қаҳ-қаҳ уриб қўлаверарман. Оламда мен ва ундан бошқа ҳеч ким қолмайди шу дамда. Бу қанчалик қалтис ҳолат бўлмасин, мен уни яна йўқотишни истайман. Менинг қалбимни забт этган бу севги ана шундай шoirона, илоҳий бир ишқ. Бу ишқ майдан 23—24 йилки сархушман. Бир умр ундан ҳалос бўлолмаслигимга амин бўлдим охир-оқибат. Тонгла махшарда яратган Ёгам билан рўпара бўлганимда менинг юрагимга солган бу гузал, тотли, оромбахш туйғу учун унга ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли тахририят! Менинг мактубимни тўлалигича чиқаришларингизни сурайман. Бизни боғлаб турган севги ҳеч қандай таъмасиз, беғубор севги. У менга 24 йил бадалида ҳатто темирдан ясалган узук ҳам совға қилмаган. Қани ҳурматли газетхонлар, бу севига қандай қарашарқин? Иккимизни тўлиқ ёзолмайман. Ахир оилам, болаларим бор. Сизларга ахиром билан, буюроқлик...

САДАҚА ҚИЛИНГАН СЕВГИ

«КУНЛАРНИНГ
БИРИДА...»

Фарғонага командировкага кетаётган эдим, шоҳбекатда турган «Мерседес» автобусига чиқиб буш жой излай бошладим. Бир қизнинг ёнидаги жой эгаси йўқлиги учун утиришга рухсат сурадим. Қиз хаёли суриб утирган эканми, менга нигоҳи-ила «утиринг» дегандек хиёл бошини силкиб қўйиб яна деразадан ташқаридаги манзарага тикилиб қолди. Йўқ, йўқ, менимча у тикилиб эмас, чуқур уйга толганди. Яна халақит бермаслик учун секин ўриндиққа ўтирдим.

Ҳарим соатлар чамаси ўтгач автобус жойидан қўзғалди. Зерикканимдан қиз билан гаплашиш ниятида унга ўғирилдим у сузлари оғзимда қолди. Қиз йўқларди. Беун, ширин хаёл гирдобда йўқларди. Шахло кузларидан марвариддек оқиб тушавтган куз ёшлар қирмиз ранг юзларини қўйиб утар, қиз эса уларни артишга ҳам мажболи йўқдек узоқ-узоқларга тикилиб турарди. Ўзимни кўрагга жой тополмай қолдим, ахир ёнимда гузал бир қиз дард биланми, севинчданми йўқласа-ю, йўқлиги киши бўлиб индамай туролмасдим. Қизнинг юз-қўзларидан бу йўқ кўпроқ ғам-алам йигисига ҳамоҳанг эди. Онам айтдикилар, ўғлим, ўқириб, овоз чиқариб йўқлагандан беун йўқлаган ёмон, чунки овозсиз йўғи юрак селидан келиб чиқади. Қизга боқар эканман унинг қалби йўғлаётганини сездим.

— Нега йўғлапсиз, сингил? — сурадим юрак ютиб, чунки иккинчи мартаба унинг хаёлини бузётган эдим. Қиз чарос кузларини бир юмиб сунг менга қаради.

— Узим, шундай, — деди қиз эшитилар-эшитилмас.

— Юраги бор инсон ҳеч қачон узи шундай йўғламайди, йўғининг элчиси эса фақат дард-алам, қувонч шодлик ҳисобланади.

— Меники тамоман узгача йўғи, муҳаббат азобининг куз ёшлари, ака.

— Севгининг йўғиси ҳар хил бу-

лади. Одам тафтини одам олади, балки сизга ёрдамим тегар?!

— Йўқ, энди ҳаммаси бой берилди, ҳеч ким ёрдам беролмайди. Ҳамма имкониятни ўз ихтиёрим билан бой бердим.

— Қандай қилиб?

— Мен ўз қалбимдаги севгини садақа қилган қизман...

Уртага жимжитлик чўкди. Қизга ачинганимдан далда бергим, қўнглини кутариб ширин сузлар дегим келар, лекин нима деб, қандай сузлар айтишни билмай аро йўлда эдим. Юракдаги муҳаббатни садақа қилиш... бу жумлаларни илк бор эшитаётганим учун унга жавобан нималар дейишни билмасдим. Нима бўлдикини, бирор-бир номард қизни алдадимми ёки ташлаб кетдимми? Уйлай-уйлай барибир у айтган куз ёшлари сабабчи бўлган дардни таҳлил қилолмайдим.

— Ёшингиз нечада, исмингиз нима? — сурадим қиздан гапни бошқа ёққа буриб.

— Исмин Нигора, ёшим йигирма турта.

— Нигора, тенгдош эканми, қўнглингизни чўқтирманг, сизнинг нозик қалбингизга тикан санчган у номард...

— Адашдингиз, — деди қиз гапимни булиб. — У киши номард эмас, у олийжаноб инсон, мен у кишини жонимдан ортиқ севардим.

— Унда қандай қилиб, кимга муҳаббатингизни инъом этдингиз?

— Бунинг тарихи узун... Мен асли фарғоналикман, Тошкентда, дорилфунунда ўқийман, — дея бир нуқтага тикилиб ҳикоясини бошлади Нигора.

— Шўхратни илк бор метрода учратганим, ушанда икки безори йўғит менга тагажоглик қилганида ҳимоя қилганди. Мени то ётоқхонага қўзатиб қўйганди. Шундан кейин у йўғитни кўрмадим, учратиб қоларман деб анча изладим. Чунки уша кўни мен ҳам содалик қилиб миннатдорчилик билдирмапман. Бир ойлар чамаси утиб қизлар билан кинога қираётганимизда яна

учратдим. Биласизми, худди бир неча йилдан буён учратишни орзу қилиб юрган қадрдонимни топиб олгандек хурсанд бўлиб кетдим. Лекин... минг афсуски, олдиларига боролмасдим, қизлик ор-номусим ҳаё дея аталмиш уялиш ҳиссиёти оёғимни боғлаб, қўзларимни ерга қаратарди. Қалбим эса оёғимга «юр» дея, қўзларимга «уялма, қара», деб буйруқ берарди. Шўхрат эса кинотеатрнинг ичидаги кафеда бир дўсти билан музқаймоқ еб утирарди. Мени тез-тез улар томонга қарайверишми Шўхратнинг ёнидаги йўғит сезиб қолди шекилли уни туртиб мени кўрсатди. Шўхрат қайрилиб биз тарафга қараганида юрагим бир қалқиб тушди, уялиб ерга қарадим. У мени таниб олдимизга келди.

— Яхши қиз, сизни бир минутга мумкинми?

Индамадим, мени ўрнимга дугоналаримдан бири жавоб берди:

— Мумкин бўлмаса-чи? Нотаниш йўғитга «хўп» деяверадими?!

— Биз нотаниш эмасмиз.

— Нотаниш эмасмиз? — хайрон бўлиб тиклиди дугонам. — Шундайми Нигор?

— Ҳа, биз...

— Ҳм, гап бу ёқда дегин, унда нега қараб турибсан, бор энди. Айтмоқчи, бу йўғит билан бизни таништирмайсани?

Нима дейишни билмай каловланиб қолдим.

— Мен... ҳали бу йўғитни исмини билмаман. — Икки дугонам қўлиб юборишди, сунг мени ҳамон жиддий турганимни қўришиб хайрат билан сурашди.

— Чиндан ҳам исмларини билмайсани?

Қизларга жавоб бермадим Шўхратга қарадим.

— Нима гапингиз бор гапираверинг, мени дугоналаримдан яширадиган сирим йўқ!

— Э, йўқ, барибир бу ерда биз ортиқ, сизлар бемалол гаплашаверинглар, биз ҳу нарида қўтиб турамыз, —

деб дугоналарим залга кириш эшиги тарафга кетишди.

— Нима дейсиз?

— Мен ҳали сизни исмингизни ҳам билмаман.

— Шунга сурамоқчимидингиз?

— Ҳа... йўқ, мен сиз билан танишмоқчи эдим, уша кўни исмингизни сураб, танишиб олиш эсимдан чиқибди.

— Исминми? Нигора...

— Чиройли исм экан, сиз қизларга маъза-да, гузал исмларингиз бор...

— Ўзингизни исмингиз-чи?

— Каминанинг отлари Шўхрат.

— Ўқийсизми?

— Ҳа, Шарқшунослик институтида, сиз-чи?

— ТошДўнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқийман.

— Нигора, агар йўқ демасангиз сизни эртага тушликдан сунг кинога таклиф қилсам.

Қўлиб юбордим, Шўхрат эса қўл-гумнинг сабабини билмай хайрон тикилиб турарди.

— Шўхрат ака, мени ота-онам ҳар кўни кинога кириб ялло қилиб юрсан деб юбормаганлар-ку.

— Унда... кинодан кейин сизни кузатиб қўйсам?

— Дугоналарим бору, бўлмайди. Келинг, яхшиис дам олиш кўни кинога қира қоламиз?!

— У-ху, яна уч кундан кейинми?

— Ҳа, нима қилибди.

— Яхши, демас сизни якшанба кўни соат 12 ларда шу ерда қутаман, шундайми?

— Қўрамиз, якшанба келаверсинчи.

Бу нотаниш йўғитнинг нимасидир мени узига ром этган, қайсидир ҳислатлари мени ўзим билмаган ҳолда унинг илк бор таклифига рози қилдирган эди.

Дилшод Қўлдошев
(Давоми бор)

ЭНГ САОДАТЛИ АЙЁМ

Наврўз тантаналари пойтахтимизда қандай ўтказилиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Биз ўшбу савол билан Наврўз тантаналарини театрлаштириш бадий раҳбари Рустам Ҳамидовга мурожаат эдик.

— Ким баҳорни, Наврўзни соғинмайди дейсиз? Халқимиз бу кунни дилларида пок ният, тиниқ орзулар жўш урган, қалбларда эзгулик, меҳр-муҳаббат тобланган ҳолатда қарши олади.

Ўзбекистон Миллий боғида ўтказиладиган байрам тантаналари мазмунан бой ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Унда намоийш этиладиган санъат асарлари ва спорт уйинларида миллийлик буртки туриши ҳам табиий. Чунки Наврўз халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари тикланган қўлгў кун, улуг байрамдир.

Шу кўни пойтахтимизнинг ун битта туман марказларида, оромгоҳ-сайилгоҳларда катта концерт дастури намоийш

этилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари халқимиз Қорақалпоғистон Республикаси ва ун икита вилоят фольклор этнографик ансамбли, эстрада йолдузларининг санъатларидан ҳам баҳраманд бўлишади.

Аёллар йили муносабати билан «Туркистон аллеси» номли бадий композициялашган сахна қўринишида юртимизнинг бугунги Тумариси, Нодира-бегими Бибиҳоними, Увайсий ва Зулфияхонимнинг ёрқин сиймоси намоийш этилади. Халқимизнинг юксак маънавияти ва маърифати жонланган мазкур бадий композицияни ҳаётчи чиқиши учун Н. Отабоев, М. Азимов, М. Эргашева, Ю. Исмаилов, К. Узоқова, Б. Лутфуллаев сингари таниқли режиссёр ва рақс усталари ўз маҳоратларини ишга солишмоқда.

Наврўз айёми кўни кам таъминланган оилалар, ногирон болалар, яқка ёлғиз қари-ларга моддий-маънавий ёрдам курсатиш одат тусига айланган. Бу йил ҳам ана шу анъана давом эттирилади. Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан қўйидаги тадбирлар ўтказилади.

АНДИЖОН: Вилоятдаги болалар уйлари, йигирмата кам таъминланган оилага ўн минг сумдан пул, мактаб ўқувчили-ри учун дори-дармонлар тарқатилади. Хайрия концертлари уюштирилади.

БҲОРО: Тўғма ногирон ва сурўнкали касаликларга бўлган болаларга дори-дармон ва кийим-кечаклар берилади. 13 ёшли болалар уртасида «Му-чал туйи» ҳамда «Балли қизлар» танлови ўтказилади.

НАВОЙИ: 50 нафар кам таъминланган оила ва 240 нафар тўғма ногирон болага жамғарма томонидан турли хил уйинчоқ, ширинлик ва кийим-кечаклар берилади.

СУРХОНДАРЁ: Боқувчисини йўқотган, қўп болали оилалар ҳамда 50 та ногирон болага маънавий ва моддий ёрдам берилади.

ТОШКЕНТ: Вилоятдаги муҳтож оилаларни тиббий қўриқдан ўтказиш, Зангиота худуди-га қарашли Рамодон, «Туркистон» кишлоқ аҳолисига дори-дармон ва кир ювиш воситалари тарқатилади.

«АССАЛОМ НАВРЎЗИ ОЛАМ!» Ўзбекистон «Ойнаи ҳақон» Наврўз кўни юртдошларимиз учун қандай курсатувларни тақдим этади? Бу саволимизга Ўзбекистон телевидениеси бош директорининг биринчи уринбосари Тўра МИРЗО шундай жавоб берди:

— Наврўз кўни телекурсатувларимиз бошдан-оёқ инсонни эъзозлашга, она-табиати севишга, меҳр-оқибатга, эзгулик-

ка, тинчликка даъват этади. Алишер Навоий номидаги миллий боғдан байрам репортажи уюштирилади. «Наврўз чечаклари», ёзувчи Саид Аҳмад асари асосида тайёрланган «Фармонбиби аразлади» спектакли, «Сумалак — етти малак» театрлаштирилган томоша, «Ёшлик баҳори», «Қадамдан ургили, Наврўз» муслиқ дастури, «Ажаб саодат эрур», «Хамма қуриши шарт эмас» курсатувлари ҳамда «Бойчечак» бадий фильми намоийш этилади.

Шунингдек курсатувлар давомида «Туркистон — умумий уйимиз» тимсолида турли мамлакат ваколатхоналарининг табриклари, Наврўз хушхабарлари бериб борилади. Пойтахтимизнинг барча оромгоҳлари ҳам томошабинлар нигоҳидан ўтиб туради.

Фурсатдан фойдаланиб, барча-барча замондошларимизга Наврўзнинг қўлгў бўлсин, дейман.

Мухтор БЕК тайёрлади

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Гу- 0202
33573 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табак.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоиси эркин нархда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОВО.
Навбатчи Н. ЙЎЛДОШЕВА.